



MUZRABOT

O'zbekiston—
kelajagi
buyuk
davlat

Gazeta 1969-yil 1-iyuldan chiqa boshlagan
Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Xalq deputatlari Muzrabot tumani Kengashi va tuman hokimligining nashri

2025-yil 30-dekabr
Seshanba № 23-24 (4520)

Халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси

Кеча халқ депутатлари Музработ тумани Кенгашининг ўн бешинчи сессияси бўлиб ўтди.

Маълумки, янги тахрирдagi Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 120-моддасида халқ депутатлари Кенгашига унинг депутатлари орасидан сайланган раис бошчилик қилиши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими бир вақтнинг ўзида Кенгашга раислик қилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди. Ушбу амалиёт 2026 йилнинг 1 январидан барча туман (шаҳар) Кенгашларига татбиқ этилиши белгиланган.

Шу муносабат билан сессия аввалида «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига белгиланган тартибда халқ депутатлари Музработ тумани Кенгаши раисининг сайлови ўтказилди. Сиёсий партиялар вакиллари гуруҳи маслаҳатлашувидан сўнг гуруҳ раиси депутат О.Олломурад сессияда сўзга чиқиб, 16-Байналмилал сайлов округидан депутат Сайдали Махматқулович Нурмаҳматов номзодини халқ депутатлари туман раислигига тавсия этди. Тавсия этилган номзод тўғрисида депутат Т.Тангиров, Ш.Норқобилов ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Сессияда халқ депутатлари туман Кенгаши раислигига Сайдали Махматқулович Нурмаҳматов сайланди. Шундан сўнг сессия ўз ишини давом эттирди.

Сессияда «Музработ туманининг 2026 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида»ги;

«Музработ туманининг 2026 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида»ги;

мўлжалланмаган ерларига 2026 йил учун ер солиғи ставкаларини белгилаш ҳамда сув ресурсларидан ва ер қаъридан фойдаланганлик учун базавий солиқ ставкаларига қўлланиладиган камайтувчи ва оширувчи коэффицентларни қўллаш тўғрисида»ги;

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини молиялаштириш тартиб-таомилларини такомиллаштириш тўғрисида» 2025 йил 30 январдаги ПФ-17-сон фармони ижросини таъминлаш юзасидан туман ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилган «Инфратузилма ва ижтимоий барқарорлик жамғармаси маблағларини йўналтириш тўғрисида»ги;

Халқ депутатлари Музработ тумани Кенгаши ва доимий комиссияларининг 2026 йилга мўлжалланган иш режаларини тасдиқлаш тўғрисидаги;

«Музработ тумани барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун туман ҳокимлиги фаолиятини тубдан такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги;

«Халқ депутатлари Музработ тумани Кенгашининг «2026 йилда Музработ тумани комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури тўғрисида» 2025 йил 10 декабрдаги қарорининг 2-3-6-10-иловаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги масалалар кўриб чиқилди.

Сессияда муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Шу билан халқ депутатлари туман Кенгашининг ўн бешинчи сессияси ўз ишини якунлади.



Президент арчаси

Анъанага мувофиқ, бутун мамлакатимизда бўлгани каби туманимизда ҳам Президент арчаси байрами зўр кўтаринки кайфиятда нишонланди.

Туманимиз марказидаги 10-болалар мусика ва санъат мактабида бўлиб ўтган шодиёнага туман Ҳокими А.Маматқулов иштирок этди.

Ҳоким табрик нутқи сўзлади ва болажонларга масъуллар ҳамда Қорбобо ва Қорқиз ҳамроҳлигида совғасаломларни топширди.

Шундан сўнг болалар ижроларидаги куй-қўшиқларга кенг ўрин берилди. Арча атрофидаги томошалар барчага бирдек манзур бўлди.

С.АБДУМАННОНОВ.

Музработ тумани Ҳокими Абдулла Абдумўминович МАМАТҚУЛОВнинг байрам табриги

Қадри тумандошлар! Анъанага кўра, сайёрамизда бутун инсоният яна бир солномани поёнига етказиш арафасида турибди. Тарихга айланаётган йил мустақил республикамиз халқи учун мисли кўрилмаган ўзгаришлар, янгиланишлар ҳамда ижтимоий ва иқтисодий муваффақиятлар йили сифатида мозий зарварларига битилаётгани билан алоҳида ажралиб туради. Бу кун-кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси ҳамда Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида ўз исботини топди. Аниқроғи, Мурожаатномада таъкидланганидек, ривожланаётган давлатлар орасида мамлакатимиз етакчи ўринда бораётганига ҳаҳон ҳамжамияти яна бир бор ишонч ҳосил қилди.

«Атроф-муҳитни асраш ва «яшил» иқтисодиёт йили» деб номланган 2025 йилда, хусусан, туманимизда қўлга киритилган иқтисодий ютуқлар ҳар қачонгидан ҳам салмоқли бўлди. Жорий йилнинг ўн бир ойида туманда 752 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, режа ортиғи билан бажарилди. Хизмат кўрсатиш ҳажми 836,7 миллиард сўмга тенг бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 114,6 фоизга етказилди. Аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми 5 миллион 299 минг сўмни ташкил этди. Чакана савдо айланмаси ҳажми 957,1 миллиард сўмга етказилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 108,4 фоизга уддаланди.

Қурилиш корхоналари томонидан жами 223,3 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, ўсиш суръати 105,3 фоизга таъминланди. Шунингдек, туманда 50 километр ички йўллар таъмирланиб, аҳолининг кундалик эҳтиёжлари учун қулай ва хавфсиз шароит яратилди. Бундан ташқари хизматлар соҳаси муҳим драйверга айлантирилиб, 187 та янги иш ўринлари яратилди ҳамда йиллик режа 113 фоизга бажарилди.

Бу йил туман иқтисодиётининг асосий соҳаси бўлган қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши ва рентабеллик даражаси кескин оширилди. 12500 гектар ердан ўртача 50 центнердан, жами 61762 тонна галла етштирилиб, режа ортиғи билан адо этилди. 7000 гектарга деҳқончилик қилган пахтакорларимиз давлатга 25844 тонна қимматбахо хомашё топширдилар. Ҳосилдорлик гектарига 35,8 центнерга тўғри келди. 2754 кути ипак курти парваришлаган пиллачиларимиз Ватан хазинасига 165,2 тонна «кумуш тола» армуғон айладилар. Богбону соҳибкорларимиз эса янгидан 59 гектар майдонда мевали боғлар барпо этдилар.

Туманимизда таълим тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1 та мактаб ва 1 та мактабгача таълим ташкилоти Инвестиция дастури асосида таъмирланди. Таъаббусли бюджет доирасида 3 та мактаб учун қўшимча янги бино қуриш белгиланди. 6 та мактаб учун эса моддий-техник базасини янгилаш учун замонавий асбоб-ускуналар, компьютер курилмалари, электрон интерактив доскалар ва бошқа бир қанча жиҳозлар билан таъминлаш кўзда тутилган. Жорий ўқув йилида 10 та мактаб учун республика бюджети, 2 та мактаб учун маҳаллий бюджет ҳисобидан замонавий, сўнгги русумдаги информатика ва ИТ синф хоналари 17 та компьютер жамланмалари билан таъминланди.

Музработда спорт тобора ривожланиб, номдор спортчиларимиз сафи эса кенгайиб бораёпти. Жумладан, 2025 йилда Ўзбекистон чемпионати ва кубоги мусобақаларида иштирок этган спортчиларимиз жами 115 та, шундан 41 та олтин, 35 та кумуш, 39 та бронза медалларини қўлга киритиб, шохсупалардан муносиб жой олди.

ЖАМИЯТ АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИДАН МАНФААТДОР БЎЛМОҒИ КЕРАК

Маълумки, Конституциямизда аёллар ва қизлар манфаатини таъминлаш борасида кенг имкониятлар мурҳалланган. Хотин-қизлар фаоллигини таъминлашга оид имкониятлар ҳақида Ўзбек-истон халқаро исломшунослик академияси профессори, юридик фанлари доктори Нигора ЮСУПОВА Ўза муҳбирига қуйидагиларни гапириб берди:

– Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев таъаббуси билан бошланган янгиланиш жараёнлари жамият ҳаётининг барча жаҳалларини қамраб олди. Бу борада, энг аввало, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, оила институти мустаҳкамлигини таъминлашга оид ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш учун зарур институционал база ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил июнь ойида Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда «Биз барпо этаётган Янги Ўзбекистон учун инсон қадр ва халқ манфаати ҳамма нарсадан устундир», дея таъкидлар экан, конституциявий ислохотларнинг биринчи йўналиши сифатида – инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масалаларининг муҳим жиҳатларига

асосий эътибор қаратди ҳамда энг муҳим омилларни таҳлил қилиб берди.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон жаҳоннинг ривожланган давлатлари қатори ўз миллий қиёфасида, яъни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ҳалқимизнинг миллий менталитетига хос бўлган ижобий анъаналар ва қадриятларни сақлаб қолган ҳолда майдонга чиқмоқда. Бу давр жамиятимизда аёлларни улуглаш, давлат томонидан уларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишининг далили сифатида тарихда ёрқин из қолдиради.

(Давоми 3-бетда.)



БАЙРАМОНА САВДО ЯРМАРКАСИ

Янги йил байрами муносабати билан «Музработ деҳқон (озиқ-овқат) бозори» МЧЖга қарашли янги қурилган савдо расталарида аҳоли учун арзонлаштирилган нархларда ярмарка ташкил этилган.

Туман ҳокимлиги ва

масъул ташкилотлар билан ҳамкорликдаги ярмаркада биргина кўй гўшти 100 минг, мол гўшти 90 минг сўм этиб белгиланган. Унга туманимиздаги «Шердил Омад» чорвачилик фермер ҳўжалиги сифатли гўшт маҳсулотларини етказиб

беришда яловбардорлик қилаёпти.

Шунингдек, савдо расталаридаги турли озиқ-овқат маҳсулотлари диққат тортар.

–Бозорнинг тўқинлиги –ризиқ-баракамиз бутунлигидан далолат, - дейди Янги

ҳаёт маҳалласи фуқароси Маҳфуза Муҳаммадиева. – Ишонмаганим, келиб харид қилиб маҳсулотларнинг ҳақиқатан анча арзон ва ҳамёнбоплигига амин бўлдим.

С.КУЛБОБОВ.

Суратларда: гўшт маҳсулоти савдоси; оилавий тадбиркор М.Турдиева ва харидор М.Муҳаммадиева.

«Ўзбекистон -2030»

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ АСОСИДА

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 18 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятини янада такомиллаштириш ва замонавий рақамли технологияларни жорий этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳузуридаги илмий-

органи фаолияти устидан таъсирчан конституциявий назорат ўрнатилди

маслаҳат кенгаши раисининг ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор Фозилжон ОТАХОНОВ фармоннинг аҳамияти ва муҳим жиҳатлари ҳақида гапириб берди:

сон ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг амалий механизmlарини кучайтиришга қаратилган муҳим сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатдир.

Ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидан қатъий бораётган Янги Ўзбекистон учун Конституциянинг ҳаётдаги ўрни ва амалдаги таъсири ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Конституция фақат давлат тузилиши ва ҳокимият вако-

латларини белгилаб берувчи асосий қонун эмас, балки инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг энг олий кафолатидир. Шу маънода, Конституция устунлигини таъминлаш механизми бўлган конституциявий назорат институтининг самарали фаолият юритиши ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. (Давоми 2-бетда.)

«Ўзбекистон - 2030»

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ АСОСИДА

Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан таъсирчан конституциявий назорат ўрнатилди

(Бошланиши 1-бетда.)

Унинг мазмун-моҳияти, аввало, Конституциявий судни фуқаролар ва юридик шахслар учун ҳақиқий ҳимоя воситасига айлантириш гоёси билан узвий боғлиқ. Давлат раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор мақсадлар Конституциявий суд фаолиятини янада халқчил, очиқ ва самарали қилишни кўзда тутилади. Хусусан, фуқаролар ва юридик шахсларнинг конституциявий оидил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш, уларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклашга хизмат қилувчи механизмларни ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу ёндашув Конституцияни мавҳум нормалар йиғиндиси эмас, балки ҳар бир инсон ҳаётида амал қиладиган, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини реал ҳимоя қиладиган ҳужжат сифатида намоён этади.

Фармонда алоҳида таъкидланган жиҳатлардан бири – Конституциявий судга мурожаат қилиш билан боғлиқ тартиб-таомилларни соддалаштириш ва ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этишдир. Амалда кўп ҳолларда фуқаролар ҳуқуқий мураккабликлар, ваколатлар чегараси ёки расмий тартиблар сабабли ўз мурожаатини

охиригача етказа олмас эди. Янги ёндашув эса мурожаат қилган шахснинг овозгарчилигини камайтириш, унинг ҳуқуқий муаммоси эътибордан четда қолмаслигини таъминлашга қаратилган. Шу орқали давлат ва фуқаро ўртасидаги ҳуқуқий мулоқот сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилди.

Фармон Конституциявий суд ваколатларини кенгайтириш орқали ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан таъсирчан конституциявий назорат ўрнатилши ҳам назарда тутилади. Бу жиҳат ҳуқуқий давлат назарияси нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ҳокимият тармоқлари ўртасида мувозанат ва ўзаро тийиб туриш механизми самарали ишлаб чиқарилади Конституция устуниги таъминланади.

Унда белгиланган нормалар Конституциявий суд қарорларининг фақат таъсирчан бўлиши эмас, балки аниқ ҳуқуқий оқибатларга эга бўлишини таъминлайди. Жумладан, муайян иш бўйича суд томонидан қўлланган қонун Конституциявий суд томонидан Конституцияга мувофиқ эмас, деб топилган тақдирда, ушбу иш бўйича суд ҳужжатини қайта қўриб чиқиш имкониятини яратилиши инсон ҳуқуқларини тиклашда муҳим қадамдир. Бу

холол Конституциявий суд қарорларининг суд амалиётига тўғриван-тўғриван таъсир кўрсатишини таъминлайди.

Шунингдек, судлар ташаббуси билан Конституциявий судга мурожаат қилишнинг тартиб-таомиллари яқинлаштирилиши шартларининг оширилади ҳамда ҳар бир мурожаатга бефарқ қаралмаслигини таъминлайди.

Фармоннинг энг муҳим ва замонавий йўналишларидан бири – Конституциявий суд фаолиятини босқичма-босқич рақамлаштиришдир. Рақамли технологияларни жорий этиш орқали суд фаолиятида шаффофлик, очиқлик ва самарадорликни ошириш мақсад қилинган. 2026-2027 йилларга мўлжалланган дастур доирасида электрон мурожаат, онлайн кузатув, видеоконференцалоқа, интерактив хизматлар, суд мажлисларини жонли эфирда узатиш каби имкониятлар яратилади. «E-KSUD» ахборот тизимининг жорий этилиши Конституциявий судни жамиятга янада яқинлаштирувчи, очиқ ва замонавий институтга айлантиради.

Айниқса, ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус шарт-шароитларнинг яратилиши инсон қадр-қимматини улуғлаш ва тенг имкониятлар таъминининг амалий ифодаси ҳисобланади. Бу эса Ўзбекистоннинг халқаро инсон

ҳуқуқлари стандартларига содиқлигини яққол намоён этади.

Фармонда, шунингдек, Конституциявий суд фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлашга қаратилган чоралар ҳам назарда тутилган. Кўшимча штат бирликларининг ажратилиши, меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш шартларининг судьялар мақомига яқинлаштирилиши Конституциявий суд мустақиллигининг институционал кафолатларини кучайтиради. Бу чоралар суд аппаратида юқори малакали кадрларни жалб қилиш, қарорларнинг сифати ва асосланганлигини ошириш учун мустақам замин яратади.

Умуман олганда, мазкур фармон Конституциявий судни фуқаролар ҳуқуқларининг ҳақиқий ҳимоячиси, давлат ҳокимияти органлари устидан таъсирчан конституциявий назоратни амалга оширувчи, очиқ, шаффоф ҳамда замонавий суд институти сифатида янада мустақамлайди. Бу ҳужжат «Ўзбекистон - 2030» стратегияси доирасида ҳуқуқий давлат, адолатли жамият ва инсон қадрини улуғлаш ғояларини ҳаётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этиб, мамлакатда конституциявий маданиятни шакллантириш ва мустақамлаш йўлида қўйилган муҳим қадам бўлди.

ЎЗА МУҲБИРИ
Норгул
АБДУРАИМОВА
ёзиб олди.



Бугуннинг мавзуси

Табиатга нисбатан адолатли жамият қуриш

Агар инсонлар табиатга таҳдид қилиб, унинг қонунларини қўпол равишда бузсалар, шундай пайт келадими, табиат улар устига шундай балоларни ёғдирадими, бу балоларни ҳеч қандай куч тўхтатиб қололмайди.

Абу Райхон БЕРУНИЙ

Одамзод ҳар қадамда табиатдан фойдаланар экан, уни асраб – авайлашни бурчи деб билмоғи керак. Табиат - бу бизни ўраб турган барча борлик, ер юзидаги жамики тирик мавжудот учун муқаддас ғуша. Табиатга нисбатан адолатли жамият қуриш, сиёсий, иқтисодий ва экологик талабларга мос ислохотларни олиб бориш муқаддас бурч бўлиши керак. Мамлакатимизда яшаб турган динидан, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, барча миллат ва элатларнинг муқаддас бурчи, орзу-умидлари, қалбига ватан ва табиатга меҳр-муҳаббатни синдириш жоиздир. Шундай экан, ҳар бир инсоннинг табиатдан баҳра олиши, унга нисбатан қалбидан муҳаббат ва гўзаллик туйғуларини ҳис этиши даркор.

Инсоният XXI асрга қадам қўйиши билан дунё ҳамжамияти глобал оламда янги ҳодисалар ила юзлаша бошлади. Ўтган асрларда кузатилмаган, таъсир доираси ва кўлами кенг бўлган бир қатор мураккаб экологик масалалар, объектив ечимини топиш нафақат бир давлат, балким бутун жаҳон аҳолиси олдида мураккаб саволларни қўя бошлади. Бу саволларга жавоб бериш кечиктириб бўлмайдиган вазифани тарқоз этмоқда. Энди инсоният бу экологик вазиятдан чиқиб кетиш учун комплекс чоралар топиш йўлидан бориши зарурияти туғилди. Илм-фан интеграцияси билан боғлиқ муаммоларни ечишда бевосита табиат, атмосфера, атроф-муҳит ва экологик омиллар билан ҳисоблаштириш вазифаси инсоният олдида кўндаланг бўлиб бормоқда.

Дунё бўйлаб юз бераётган глобал экологик вазият Ўзбекистонни ҳам чеклаб ўтаётгани йўқ. Давлатимиз пешқадамлар қатори барқарор тараққийётнинг яшил платформасига ўтиш йўлига катта қадамлар ва ташаббуслар билан олдинги ўринни эгалламоқда. Йиллар давомида тўпланган экологик муаммоларга ечим топишда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши экологик ҳавфсизликка эришиш,

келажак авлод учун қулай атроф-муҳитни яратиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳоли саломатлигини сақлаш борасида белгиланган устувор вазифаларни бажариш ҳисобланади. Фуқароларни қулай атроф-муҳитга бўлган конституцион ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида таъсирчан парламент ҳамда депутатлик ва жамоатчилик назорати орқали ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш бўйича истиқболли режаларни белгилаш амалга оширилмоқда.

Келгуси жараёнларда ҳам инсоният қулай атроф-муҳитга эга бўлиши учун экологик ҳавфсизликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши, экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиши ва ҳуқуқбузарларга доимий муросасиз қарши курашиш гоят муҳим масала ва муқаддас бурч бўлиши керак. Инчунин, бор куч-саломатиятини сафарбар этиб, эзгу мақсадлар сари илдам қадамлар ташлаш зарурияти инсоният олдида кўндаланг вазифа бўлиб бошлади.

Ўзбекистон Президенти томонидан янги Ўзбекистонни барпо этишда, миллий юксалиш пойдеворини яратишга қаратилган изчил, улкан ислохотларни, катта лойиҳаларни амалга оширилиши орқали кейинги бошқа мақсадлар сари ҳаракат қилиш даркор. Бундай дадил қадамлар билан кейинги мақсадлар сари одимлаётган Ўзбекистонни олиб чиқиш юртимизда экологик масалаларга юксак эътибор бранди десам муболага бўлмайди.

Қўрида амалга оширилиши номланган ишларга сидқидилдан ёндашган ҳар бир ватандошимиз турли экологик муаммонинг олдини олиш ва экологик маданиятни юксалтиришда шахсий намуна кўрсатиши керак. Бинобарин, атроф-муҳитни келажак авлодга бусбутун етказишга замин яратиш, олдимиздаги мақсад ва вазифаларни тўлиқ амалга оширишга эришиб, табиатга нисбатан адолатли жамият қурамаиз.

Норматхат ЯХШИБОВЕВ,
Ўзбекистон Экологик партияси Музравот тумани Кенгаши раиси.

MA'RIFATLI AYOL – MA'RIFATLI JAMIYAT DEMAKDIR



Har qanday jamiyat taraqqiyoti, uning madaniy-ma'naviy holati, ijtimoiy barqarorligi va axloqiy me'zonlari bevosita oila tarbiyasi bilan bog'liqdir. Oila tarbiyasining bosh mezonlari esa - ayolning me'naviy saviyasi, ma'rifati va dunyoqarashidir. Shu sababdan ham xalqimizda "Ayol bor joyda baraka bor" mazmunidagi chuqur ma'noli iboralar bor. Zero, ayol - jamiyatning qalbi, tarbiyatning ustuni, millatning shoh tomiridir. Inson hayoti beshikdigan qabrgacha ilm olishga bog'liq bo'lsa, bu yo'lining ilk qadamini onaning bag'ridan boshlanadi. Bola ko'zini ochgan kundan boshlab, birinchi muallimi bu - onadir. U bolaning har bir harakatini, gapini, xulqini shakllantiradi. Shu sababli buyuk allomalarimiz onaning tarbiyasini ilm va immonning asosi deb bilganlar.

Payg'ambarimiz Muhammad (s.a.v.) shunday deydilar: "Jannat - onalarning oyog'i ostidadir".

Bu hadis ayolning oila va jamiyatdagi ulug' maqomini bildiradi. Onaning yuragidagi mehri, ma'rifat, tilidagi duo butun jamiyatning ruhiy holatiga ta'sir ko'rsatadi. Ma'rifatli ayol tarbiyalagan farzand kelajakda xalq va davlatga sadoqatli, iymonli, bilimli shaxs bo'lib yetishadi.

Islom dini ayolni faqatgina uy-ro'zg'or ishlari bilan chegaralab qo'yamaydi.

Jannat – onalar oyog'i ostida

ijtimoiy faoliyat kabi sohalarda faoliyat yuritmoqda. Ular ayni vaqtda oila bekasi, ona, tarbiyachi ham bo'lib qolmoqdalar. Bu holat ayolning qanchalik katta salohiyatga ega ekanini isbotlaydi.

Bugungi kunda ma'rifatli ayol deganda, faqat ilmiy ayol emas, balki axloqli, odobli, mehribon, iymonli, vatanparvar, sog'lom tafakkur sohibi nazarda tutiladi. Chunki faqat zamonaviy bilim emas, ma'naviy-ma'rifiy tarbiya ham muhimdir. Farzandga kompyuter o'rgatish bilan birga, unga halol haromni, yaxshilik va yomonlikning farqlarini ham o'rgatish kerak. Aynan mana shunday onaning qo'lida tarbiyalangan farzandlar ertangi kunning halol savdogari, adolatli sudyasi, fidoyi harbiy xizmatchisi, mehribon shifokori, to'g'riso'z siyosat-chisi bo'lib kamol topadi.

Tarixdan ma'lumki, har qanday yuksak sivilizatsiyalar, madaniyatlar va taraqqiyot mas'uldirlar. Bu mas'uliyat ham ma'rifatli ayollar turgan. Bugungi kunda ham ma'naviy tahdidlar, axloqiy inqirozlar, tahlikali g'oyalar qarshisida mustahkam tura olish uchun, avvalo, ayolning ongini, iymonini, tafakkurini quvvatlantirish kerak. Shu asosda aytishimiz mumkinki, ma'rifatli ayol - bu faqat o'zini emas, jamiyatni yuksaltiruvchi kuchdir. Ma'rifatli ayol - bu nur tarqatuvchi chiroqdir.

Agar biz ma'naviy barkamol, yuksak tafakkurli jamiyat yaratmoqchi bo'lsak, avvalo, ayolni - onani, qizni, opa-singilni ma'rifat bilan quvvatlashimiz, e'tiborini, hurmatini va bilimni avval unga berishimiz lozim. Chunki ma'rifatli ayol - ma'rifatli jamiyat demakdir.

Nilufar
ABDULLAYEVA,
TerDU katta o'qituvchisi,
filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD).



Taklif va tavsiya

Oila – jamiyat poydevori

Haydovchilik guvohnomasini olish uchun kamida uch oylik o'quv kursini o'qib, imtihon topshirish talab etiladi. Sababi oddiy: yo'l harakati qoidalarini bilmagan haydovchi avtohalokatga uchrashi muqarrar. Binobarin, hayot va inson xavfsizligi bilim va mas'uliyat bilan chambarchas bog'liq.

Xuddi shunday, ikki yosh - yigit-qiz turmush qurish arafasida ham bu qarorga katta mas'uliyat bilan yondashishi lozim. Axir oila - bu oddiy munosabat emas, balki butun bir umr davom etadigan hayot yo'li. Shu yo'lda qoqilmay, adashmay yashash uchun faqatgina tuyg'ular emas, balki bilim, sabr va tayyorgarlik ham zarur.

Shu bois turmush qurishdan oldin bo'lajak kelin-kuyovlar uchun "Oila maktabi" deb nomlangan kamida uch oylik

o'quv kurslari tashkil etilishi maqsadga muvofiq bo'lar edi. Ushbu kurslarda oila psixologiyasi, o'zaro hurmat, mas'uliyat, farzand tarbiyasi, sog'lom munosabatlar asoslari o'rgatilsa, so'ng yakuniy imtihon topshirilib sertifikat berilsa, nihon yanada ongli qarorga aylangan bo'lardi.

Bunday tizim joriy etilsa, ajrimlar soni sezilarli darajada kamayardi. Tarbiyali, bilimli va tajribali ota-onalardan ma'naviy hamda jismoniy jihatdan sog'lom farzandlar voyaga yetardi. Zero, yurt ravnaqi oiladan boshlanadi.

Bundan tashqari oila maktablari orqali oila psixologlari uchun yangi ish o'rinalari yaratiladi, bu esa ishsizlikning qisqarishiga ham xizmat qiladi. Demak, bu g'oya nafaqat oilalar mustahkamligini, balki jamiyat barqarorligini ham ta'minlaydi.

Avazbek PO'LATOV.

БИЛИБ-БИЛМАЙ БОСИЛГАН «ЛАЙК»

Инсон ва қонун

«Ёшларнинг радикаллашуви ва турли ДЭО/ХТТ сағига қўшилиб кетишининг олдини олиш бўйича ҳамкорликдаги ташкилий ва тезкор-техник тадбирлар тўғрисида»ги ва Ички ишлар вазирилик хамда Давлат хавфсизлик хизматининг «тўсиқ» номли қўшма режаларига асосан Музравот туманида ўтказилган тадбир давомида Аббос Тожиёв (исм-фамилияси ўзгартрилган) ўзига тегишли бўлган телефон апаратидаги «Instagram» ижтимоий тармоғи орқали

Абдуллох Зуфарнинг фикр, маъруза ва фатволарига «лайк» муносабати белгисини босиб орқали тарқатганлиги маълум бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси экспертининг хулосасига асосан тақдим этилган 1 дона дискдаги маълумотлар мамлакатимизнинг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф равишда ўзгартришга, ҳокимиятни эгаллашга, ди-

ний экстремизм, сепаратизмни тарғиб қилувчи материаллар сирасига кирмаслиги, ақидапарастлик ғоялари фаолияти тақиқланган жамоат биришларини ва диний ташкилотларни тузиш, қатнашиш даъватлари мавжуд эмаслиги аниқланган.

Аммо шу дискдаги тадқиқот бандларида кўрсатилган файлларда Абдуллох Зуфарнинг фикр, маъруза ва фатволари аҳоли орасида турли иштирофларнинг юзга келишига сабаб бўлаёт-

ганлиги боис мазкур шахснинг чиқишлари ёзилган маълумотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатиш тақиқланган.

Ҳуқуқбузар Аббос Тожиёвга суд Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг тегишли моддаси билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари, яъни 8 миллион 240 минг сўм жарима жазосини тайинлаш ҳақида қарор қилинди.

Т.АНОРОВ,
А.ЖҲРАЕВ,
туман ИИБ тезкор қидирув ходимлари.



ҚАЧОН БИЗ?

(Жадидлар орзу-армони)

*Бошдан иссиқ ўтди... ҳақ кўланка бер!
Содда йўлдан озса, тик йўл анга бер,
Бир чимдимча виждон ҳар бир танга бер,
Асрлар пойлагач баҳорнинг йўлини,
Биз қачон кўкламга чиқамиз, кўнглим?!*

*Биз ўстирсак, ёт еса шоҳтутнинг тутин,
Маҳкуммизми – умри уруғдин ўтин?!
Шоқолни тўйғизса юввош мол сути,
Асрлар пойлагач баҳорнинг йўлини,
Биз қачон кўкламга чиқамиз, кўнглим?!*

*Ботқоқни тинч макон билган Хон бўлмас,
Бадбўйликча кўнган – соқовжон улмас...
Умр яқборликдур, тақрор он бўлмас,
Асрлар пойлагач баҳорнинг йўлини,
Қачон хур оламга чиқамиз, кўнглим?!*

Холида Исмоилнинг бу шеъри ҳам исён ва фалсафага қоришиқ ижодиётини кузатишларим натижасида шуни англадимки, кучли иждокдордан кучли шеър дунёга келар экан! «ҚАЧОН БИЗ?» (Жадидлар орзу-армони) номли исёнкор ва фалсафий шеърида жамиятнинг оғриқлари яна ҳам ёрқин намён бўлган. Шу жойда шеърни уч қорра, уч ҳолатда таҳлил қилсак.

Тарихий-маънавий асос. Шеърда жадидлар орзуи ва улар кўтарган “уйғонш баҳори” гоёси замонавий савол сифатида қайта тирилади:

“Асрлар пойлагач баҳорнинг йўлини” – бу сатр туркий халқларнинг озодлик ва маърифат учун асрлар давомида интиқ бўлиб яшаганини ифода этади. “Биз қачон кўкламга чиқамиз, кўнглим?!” – бу эса хануз жавоби йўқ, халқнинг юрагига қадалган риторик савол. Жадидлар орзуи фақат тарихда қолиб кетмаган, балки ҳали ҳам замон олдида турган миллий масала сифатида гавдаланади.

Фалсафий-исёнкор руҳ. Шеърда кескин саволлар фалсафий исён билан кўшилади: “Биз ўстирсак, ёт еса шоҳтутнинг тутин” – меҳнатни ўзимиз қилиб, самарасидан бошқалар баҳраманд бўлиши тарихий адолатсизликнинг рамзи. “Ботқоқни тинч макон билган Хон бўлмас” – золимнинг ҳақиқий ҳукмдор эсмалигига ишора. “Умр яқборликдур, тақрор он бўлмас” – инсонга берилган ҳаёт имконияти ягона, уни адолат ва озодлик йўлига сарфлаш зарурлиги ҳақидаги фалсафий оғохлантириш. Бу фикрлар жадидларнинг орзу ва армонларига янгича турғун исён кўшиб, бугунги авлодни ҳам уйғотишга ундайди.

Бадий-эстетик таҳлил. Шеър драматик ва риторик саволлар билан тўлган: “Биз қачон кўкламга чиқамиз, кўнглим?!” – шеърнинг ҳар бандини умумий даъват ва умидсизликдан умид-

га ўтиш руҳи билан тугатади. “Шоқолни тўйғизса юввош мол сути” – адолатсизликнинг кескин ва ҳайратланарли образи. “Ботқоқни тинч макон билган Хон” – ўзи баттар ҳолатда бўлса-да, халқни бошқаришга даъвогар золимнинг ҳазиломуз, аммо аламли қиёфаси. Шеърнинг оҳанги кўтаринки, кескин, исёнкор. Унда умидсизликдан эмас, балки уйғотишдан келиб чиққан драматизм бор. Холида Исмоилнинг бу шеъри ҳам жадидлар руҳини давом эттиради. Унда

Китобингизни ўқидим

«ШОШАЁТГАН ШАМОЛЛАР»

(Бир шеър таҳлили)

миллий орзулар, адолатсизликка қарши исён, озодликка интилиш каби гоёлар кескин ва таъсирчан тарзда ифода тоған. Бу асар шунчаки шеър эмас – бу савол, бу даъват, бу руҳий чақирик.

«ҚАЧОН БИЗ?»

Жадидларнинг орзуи битмас, умидлари сўнмас. Улар асрлар қоронғусини ёриб, миллатга нур олиб кириш учун жасорат кўрсатдилар. Улар учун биргина савол бор эди: “Қачон биз?” – қачон миллат ўз ҳақиқий йўлини топади, қачон эркин фикр юксалади, қачон ҳақ ва адолат устувор бўлади? Холида Исмоилнинг шеърдан кўтарилган руҳ айнан шу саволнинг янада янгича талқинидир. Бу асар жадидларнинг орзу-армонидан илҳом олган, замонавий инсон қалбини безовта қиладиган ботиний хитобдир.

Шеърда миллий дард, виждон, адолат ва орзу-муддаолар қатор-қатор оҳангдор саволлар билан ифодаланган: “Бир чимдимча виждон ҳар бир танга бер” деган мисра инсонга моддийликдан кўра маънавийлик кераклигини уқтиради. “Биз ўстирсак, ёт еса шоҳтутнинг тутин” деган садо эса тарихий тақдиримизга ишора – меҳнат қилганинг эмас, балки ўғри ва манфаатпарастнинг ютишига қарши нидодир. “Ботқоқни тинч макон билган Хон бўлмас” деган оғохлантириш эса ҳар бир миллат раҳбарининг покиза маънавиятли бўлиши шартлигини кўрсатади. Бу шеър – исён ва умиднинг уйғунлиги. Унда жадидларча қайрат, эзуғликка ишонч ва миллат тақдири учун ўтли ташвиш мужассам.

Асардаги ҳар бир савол биздан жавоб кутади. Чунки жадидлар орзуи – бу фақат ўтмиш эмас, балки, ҳозирги кун ва келажакнинг ҳам долзарб масаласи. Миллат уйғониши, маърифатнинг чинакам кўкламга чиқиши ҳали ҳам биз учун муҳим вазифадир. “Биз қачон кўкламга чиқамиз, кўнглим?” – деган нидо эса ҳар бир соғлом фикрли инсон қалбига доимий кўнғироқ каби янграйди. Бу саволнинг жавоби

эса биздан – ҳар биримиздан, жасоратимиз, адолатга садоқатимиз ва виждонимиздан кутилмоқда.

«Қачон биз?» – Жадидлар орзуи ва бугуннинг дарси. Тарих – миллатнинг хотираси. Ундан узилган халқ келажак йўлини ҳам топа олмайди. Хусусан, жадидчилик ҳаракати бугун ҳам бизни ўйлантиради, қўзғатади, жонлантиради. Улар миллатни ҳақолат ва таназзул ботқоғидан чиқариш учун майдонга чиққан, маъри-

фат машъаласини кўтарган буюк зотлар эдилар. Улар учун ягона орзу – миллатнинг уйғониши, эркинлик ва тараққиёт йўлида бирлашиш эди.

Холида Исмоилнинг “Қачон биз?” номли шеъри ҳам ана шу жадидлар орзу-армонининг замонавий ифодасидир. Шеърдаги ҳар бир савол нафақат ўтмишга, балки бугунги кунга ҳам қаратилгандек:

“Бир чимдимча виждон ҳар бир танга бер” деган хитоб ҳозирги жамият учун ҳам қаттиқ оғохлантиришдир. Чунки моддий манфаат кўпинча инсонийлик ва виждонни тўпондай босиб келмоқда. Миллат қудрати виждонсиз бўлиқда эмас, маънавиятли тараққиётдадир. “Биз ўстирсак, ёт еса шоҳтутнинг тутин” деган нидо – меҳнат қиладиган, лекин ўз меҳнати меvasидан маҳрум бўладиган халқ тақдирига ишора. Тарихда ҳам, бугун ҳам меҳнатқашнинг ҳақи кўпинча адолатсиз тақсимланиши – ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб муаммолардан бири. “Ботқоқни тинч макон билган Хон бўлмас” деган мисра эса ҳар қандай раҳбар, ҳар қандай етакчи учун абадий ҳақиқат: ифлос муҳитга кўниккан, бадбўйликка рози бўлган шахс ҳеч қачон миллатни юксалтирмайди. Чунки ботқоққа кўникиш тараққиёт эмас, ҳалокатга йўлди. Жадидлар ҳам худди шуни уқтирар эдилар: “миллатни кутқариш учун маърифат ва адолат зарур”. Улар билим орқали инсоният тараққиётига элтувчи йўлни кўрсатган эдилар. Шеърдаги “Асрлар пойлагач баҳорнинг йўлини, Биз қачон кўкламга чиқамиз, кўнглим?” деган савол эса халқ тақдири учун абадий кўнғироқдир.

Миллатнинг ҳақиқий баҳори қачон келадир? Бугун биз билимга, маънавиятга, адолатга қанчалик ташна? Шунинг учун ҳам шеър публицистик руҳда, жамиятнинг ўткир дардини кўзгатади. Унда фалсафа, тарих ва замоннинг ички кийноқлари уйғунлашган. У ўқувчини ўйлашга, жавоб излашга, ҳаракат қилишга ундайди.

Эски латифанинг янги кўриниши

Ҳойнаҳой ўмирбек лакқи ҳақида, унинг ичак узди латифаларини эшитгандирсиз. Ҳа, қардош қорақалпоқларнинг ўша машҳур сўз уста-синида. Яқинда унинг “Ол отингни отимни отаман” деган латифасининг айнан тақрори бўлган хангомани эшитдим. Ҳозир шуни оқизмай-томизмай айтиб бермоқчиман.

Ие, биродари азиз, тозаям ғалати экансизку. Наҳотки ўша машҳур латифани билмасангиз? Оббо, энди қизиётган чоғда гурунгни совутишингизга бир баҳя қолди-я. Ҳай, майли, келинг бўлмаса сизга аввал ўмирбекнинг хангомасини айтиб берай. Сўнгра янгиланганини, замонавийлашганини тинглаб мириқасиз.

Ўмирбек кўшнисининг отини сўраб нариги овулга тўйга боради. Тўй қизиган маҳал ўтовдан чиқиб улови-

(*Ҳажвия*)

дан хабарлашибди. Ҳа-а ўтовдан. Илтимос, ҳа деб гапни бўлаверманг. Ҳозир ҳам уларда ота-боболаридан қолган ўтовлар бор. Қараса бир тўда отлар бойланган. Улар орасидаги ўзиникини таний олмабди. Боши қотибди. Қалпоғини олиб ўйласса, чиндан ҳам аҳвол чатоқ. Шунда топқир киши эмасми, ажойиб бир режа ўйлаб топибди. Ўтовга қайтиб келса рага тепасида осиглик милтиқни олиб чиқиб қичқиради.

- Халойиқ, ҳар ким ўз отини олсин. Мен отимни отаман!

Меҳмонлар аввали ҳангу манг бўлишибди. Кейин эса унинг вазоҳатини кўриб шоша-пиша улловни олиб четга чиқишибди. Майдонга ёлғиз от қолибди. Мақсади-га етган ўмирбек “Ҳа, шу жо-

дан хабарлашибди. Ҳа-а ўтовдан. Илтимос, ҳа деб гапни бўлаверманг. Ҳозир ҳам уларда ота-боболаридан қолган ўтовлар бор. Қараса бир тўда отлар бойланган. Улар орасидаги ўзиникини таний олмабди. Боши қотибди. Қалпоғини олиб ўйласса, чиндан ҳам аҳвол чатоқ. Шунда топқир киши эмасми, ажойиб бир режа ўйлаб топибди. Ўтовга қайтиб келса рага тепасида осиглик милтиқни олиб чиқиб қичқиради.

Қалай бўладими? Ҳаҳ, жуда ичидан пишган экансиз-а. Бир йўла иккита латифа ундиряпсиз. Қойил. Майли, нима ҳам дердим. Ош бўлсин. Энди кейингисини эшитинг. Бизнинг кўшни Маддибойга яқинда узоқ қариндо-шиника тўйга айтилибди. Кимга ҳам ялиниб юраман деб ўглининг скутер-мотоциклини миниб кетибди. Базми жамшид охирлар-охирламас “эс борида этакни ёл” деганларидай ими-жимиди уйга қайтмоқчи бўлибди. Кўлигини кўйган жойга бориб қараса ана томошаю мана томоша. Бу ерда Маддибойнинг скутери-га ўхшаган ўн чоғлиси қаққайиб турганмиш.

Ҳамсоянинг боши гувиллаб кетибди. Дардини ким-га айтарили билмай турса

ўзига ўхшаб тўйни эртароқ тарк этувчи биттаса келиб улловга ўтириб жунаб кетибди. Унинг хатти-ҳаракати Маддибойга топқирлик ҳада этибди. У шартта тўйхонага қайтиб микрофонни қўлга олибди. “Иши юришмаган йимитнинг янгиси олдида чиқибди” деганларидай шу пайт навбатдаги ашула туга-ба туга турган маҳал эканда.

- Ҳой, оғайинлар, қулоқ солинлар, – дея ваҳима қилибди у. – Ҳозир биров скутер ўғирлаб олқочди. Ким мотоциклда келган бўлса чиғиб қарасин. Тез бўлинглар!

Бу хабарни эшитган скутер эгалари апил-тапил югуришиб ўз-ўзиникини эгаллашибди. Қадимий латифада айтилганидай ўртада битта уллов эгасиз қаққайиб ажралиб қолибди. Шунда усто-монлигидан суюнган бизнинг Маддибой ўмирбекка ўхшаб ашулани ванг қўйиб уйга равона бўлибди.

М.ХОЛМИРЗАЕВ.

назоратни кучайтириш ва тезкор гуруҳлар фаолиятини самарали ташкил этиш ишлари давом этмоқда. Ҳар бир мурожаат ва чақириққа ўз вақтида муносабат билдирилиб, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ишлар изчил йўлга қўйилган.

Умумтаълим мактаблари, кафе-барлар, савдо объектлари, кўп қаватли турар жойларнинг кириш йўлаклари ва бошқа кўриққа олинган объектларда ўрнатилган “Ташвиш” тугмаси орқали келиб тушган ташвиш хабарлари ёрдамида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишига эришилмоқда. Ҳозирда туманнинг барча ҳудудларида аҳоли осойишталигини таъминлаш ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган ишлар давом эттирилмоқда.

НОДИР ЗУБАЙДУЛЛАЕВ,
туман Қўриқлаш бўлими бўлим катта иш юритувчиси, кичик сержант.

Нуқтаи назар

Ilmiy va adabiy asarlar

ularni o'qishning qaysi biri insoniyat rivojlanishida muhim hisoblanadi?

Kitob o'qish inson tafakkuri, ma'naviyati va dunyoqarashini shakllantiruvchi eng muhim omillardan biridir. Barcha davrlar ziyolilari kitobning tarbiyaviy va intellektual ta'sirini e'tirof etib kelgan. Bugungi axborot-tezkorlik zamonida ilmiy va adabiy asarlar o'qishning ahamiyati yanada ortmoqda. Aslida, biz qaysi asarlarni o'qib bilim doiramizni kengaytirishimiz kerak? Ilmiy yoki badiiy asarlar o'qishning qaysi biri biz uchun muhim sanaladi?

Ilmiy adabiyot – bu faktlarga, dalillarga, tajriba natijalariga tayangan holda yaratiladigan manba bo'lib, insonning bilim ko'laminis kengaytiradi. Mantiqiy izchillik, aniq tushunchalar, ilmiy uslub va qat'iy xulosalar bilan ajralib turadi. Shaxsni atrof-muhit, jamiyat, texnologiya, tabiat qonunlari va inson psixologiyasi haqida chuqur o'ylashga undaydi. Bunday matnlar orqali o'quvchi yangi ma'lumotlar, kashiyotlar, ilmiy nazariyalar, ilmiy terminlar bilan tanishadi. Ilmiy kitoblarni o'qigan kishi biror hodisaga oid sabab-oqibatni yaxshi tushunadi, atrofda bo'ladigan muammoli vaziyatlarga yetarlicha ilmiy jihatdan yondashib masalani hal qila oladi. Ayniqsa, ilmiy maqolalar, tahliiliy tadqiqotlarni o'qigan kishi: faktlarni ajrata olishi, dalillarni tekshira olishi, tahliil va sintez qila olishi, turli xil vaziyatlarni xulosalash ko'nikmalariga ega bo'lishi mumkin. Ilmiy asarlar o'quvchini har qanday ma'lumotga ehtiyotkorlik asosida qarashga, dalilsiz fikrni qabul qilmaslikka, mustaqil xulosa chiqarishga o'rgatadi.

Bu esa har bir ilmiy asarlarni o'qigan kishining intellektual mustaqilligini oshiradi. "Tanganing ikkinchi tarafi ham bor" deyдилar. Adabiy asarlar – insonning ichki dunyosi, tuyg'ulari, hayotiy tajribasi, ijtimoiy-madaniy qadriyatlar aks etgan badiiy matnlardir. Adabiyotning tarbiyaviy, estetik va ma'naviy ta'siri juda kuchli bo'ladi. Ayniqsa, she'riyat, hikoya, roman, dramatik asarlar o'quvchini obrazlar, suyetlar, tasvirlar orqali fikrlashga undaydi. Ijodiy tasavvuri kengayadi. O'quvchi hayotini yangicha nigohlar bilan ko'ra boshlaydi.

Adabiyot inson qalbi bilan bevosita muloqot qiladi. Badiiy obrazlar, qahramon xarakteri, voqealar orqali ezgulik, sabr, vatanparvarlik, halollik, bag'rikenglik kabi fazilatlarini shakllantiradi. Adabiy asarlar tilning go'zalligi, badiiy ifoda vositalari, yangi so'zlar, iboralar bilan boydir. O'quvchi ularni o'z nutqida ifodalay, ravn va chiroyli o'zlab boshlaydi. Adabiyot o'quvchini boshqalarning hayotiy tajribasi bilan tanishtiradi. Qarama-qarshi xarakterlar, turli ruhiy holatlar tasviri insonning boshqalarni tushunish qobiliyatini kuchaytiradi.

Ilmiy va badiiy asarlarning ikkalasi ham inson tafakkurini rivojlantiradi. Til boyligini oshirishda xizmat qiladi. Mustaqil fikrlashga o'rgatadi. Intellekt va ma'naviyatni boyitadi. Bu ularning o'xshash jihati hisoblanadi. Farqli taraflari esa, ilmiy asarlarda fakt, dalil, tajribaga asoslaniladi. Bilimni oshirish, tahliil qilish ko'nikmasi shakllanadi. Aql bilan ish ko'rish, mantiqan fikrlay olish,

qat'iy, aniqlik bilan holatga munosabat bildirishga o'rgatadi. Adabiy asarlarda esa, insonni hayotiy obrazlar, voqealar, badiiy tasvirlar orqali fikrlashga o'rgatadi. Inson dunyoqarashini tarbiyalaydi. Estetik zavq beradi. So'zlashuv jarayonida badiiy tasvirlar orqali so'zlashishga o'rgatadi. Insonning qalbi, yuragi orqali his-tuyg'ularini go'zg'ata olishga o'rgatadi. Ijod olami va ruhiy dunyo olamining boyshiga xizmat qiladi.

Masalaning ikki tarafini o'rganib shuni aytmochimanki, ideal o'quvchi, ideal mutaxassis ham ilmiy, ham badiiy asarlar o'qishi zarur. Ilmiy kitoblar aqliy yetuklikni, badiiy kitoblar esa ruhiy yetuklikni ta'minlaydi. Shunday qilib, zamonaviy ta'lim va tarbiya jarayonida ilmiy hamda adabiy asarlarning o'rni beqiyosdir. Ularning har biri o'z o'rniga ega bo'lib, shaxsning fikrlash madaniyati va dunyoqarashini shakllantirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Shu bois o'quvchi, talaba, o'qituvchi va boshqalar uchun ham har ikkala turdagi mutolaa o'rtasida muvozanat bo'lishi zarur.

Adabiyot "so'z san'ati". U insoniyat va dunyodagi har bir narsaning, avvalo, bu dunyoda o'z o'rni borligiga, uni qadrlash kerakligiga undaydi. Ilmiy asarlar ham bu fikrni ma'qullagan holda, hayotdagi har bir narsaning foydali va zararli jihatlarni ilmiy asoslashga, insoniyatni qulay sharoitlarda yashashga o'rgatadi. Demak, ikki turdagi asarlarni o'qish inson tafakkurini rivojlantirishga xizmat qiladi. Zero, insoniyat aql va yurak sohibidir. Har ikkisi insoniyat yashashi uchun muhim sanalgani kabi, bu ikki turdagi asarlar ham biri ikkinchisini to'ldirib turadi.

Baxrinos MAMATKARIMOVA,
Termiz davlat universiteti talabasi.

Фуқаролар хавфсизлиги йўлида

Ҳамиша хизматдаммиз

рини ишончли кўриқловчи таъминлаш ҳамда жамоат тартибини сақлаш, кўриқловдаги объект ва хонадонларда содир этилиши мумкин бўлган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган. Бўлимимиз ўз фаолиятини кўриқлаш хизматини кўрсатиш учун давлат ва халқ хўжалиги объектлари билан тузилган шартнома асосида олиб боради.

-Ҳозирда тизимда саф, ҳармонийлаштирилган, қоровуллик бўлимлари, техник кўриқлаш марказлари ва “Ташвиш” тугмалари орқали кўриқлаш турлари мавжуд, – дейди, Музабоб тумани Кўриқлаш бўлими бошлиғи, катта лейтенант Шерзод Холсаидов. – Бугунги кунда бўлимимиз томонидан кўриқланаётган жами объектлар 485 тани ташкил этади. Шундан, техник кўриқлаш мар-

казлари томонидан кўриқловчи олинган объектлар – 479 тани, кўриқдаги хонадонлар 290 тани ташкил этади.

Худудларда жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида видеокузатув камераларини ўрнатиш ва кўриқлаш тизимини такомиллаштириш бўйича ишлар олиб боришмоқда. Йўллар, аҳоли яшаш массивлари, савдо мажмуалари ва бошқа жамоат жойларига замонавий камералар ўрнатиш, вазиятнинг доимий назорати таъминланмоқда. Каме-ралар орқали шубҳали ҳолатлар, ҳуқуқбузарликлар ва ҳаракат хавфсизлигида доир ҳолатлар тезкор тарзда қай-ди этилиб, зарур чоралар кўри-лмоқда. Шунингдек, кўриқлаш хизмати томонидан объект ва хонадонларни кўриқловга олиш, сигнализация орқали



УРФ-ОДАТ ВА УДУМЛАР

Янги йил кириб келишига санокли кунлар қолди. Янги йил кўпчилик катталар ва болаларнинг энг сеvimли байрамларидан биридир. Байрамга тайёргарлик олдидан бошланади ва декабрь ойининг охирига келиб, шаҳару қишлоқлар кўчалари чироқлар билан порлайди. Ҳамма жойда байрамона мухит ҳукм суради. Ёқимли Янги йил "шовқини" барчани истисносиз қамраб олади. Одамлар дўстлари ва оиласи учун совға излашга тушади, байрам кунини энг чиройли либосларни танлайди ва байрам дастурхони таомномаси ҳақида бош қотиради.

Байрамнинг пайдо бўлиш тарихи

Янги йилни нишонлаш тарихининг илдизлари Месопотамияга (ҳозирги Ироқ ҳудуди) бориб тақалади, у ерда баҳор уйғонишини нишонлаш аънанаси март ойида пайдо бўлган. Хурсандчилик бир ҳафтадан ортқ давом этган. Бу кунларда ҳеч ким ишламаган, одамлар байрамларга, маскараларга борган. Кейинчалик, Янги йилни нишонлаш одати юнонлар, кейин эса мисрликлар ва римликлар томонидан қабул қилинган.

Ўзбекистонга Янги йилни 31 декабрда нишонлаш одатини руслар олиб кирган. Россияда Янги йил ҳар доим ҳам 31 декабрдан 1 январга ўтар кечаси нишонланмаган. Янги хронологиянинг пайдо бўлиши билан байрам учун 1 март санаси белгиланган, кейинчалик у 1 сентябрга кўчирилган. 1699 йилда шох Пётр I Янги

Ўтмиш ва бугун

Йилни 1 январда нишонлаш тўғрисида фармон чиқарган. Бу Григориан тақвими бўйича яшаган барча Европа мамлакатлари мисолида амалга оширилган.

Янги йил аънаналари

Ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос Янги йил аънаналари бор, аммо бутун дунё бўйлаб одамлар амал қилгани байрамни иссиқ, қулай, уй шароитида нишонлашга интилади. Оила ва дўстлар даврасида тилаклар билдириш, байрам дастурхонида ўтириш – булар дунёнинг барча мамлакатларида қадрланади;

уйни безатиш. Қадим замонлардан бери уйда байрамона мухит яратиш одат тусига кирган. Ўша пайтларда уйлар олма, ёнғоқ, картошка ва ҳатто тухум билан безатилган. Кўп ўтмай, пуфаклар, гулчамбарлар ва бошқа таниш декоратив элементлар пайдо бўлган. Бугунги кунда Янги йил безакларини танлаш шунчалик ажойибки, уйни ўзига хос қиладиган нарсани танлаш қийин бўлмайди; совғалар бериш. Ҳеч бир Янги йил совғаларсиз ўтмайди. Совға бериш аънанаси, албатта, энг ёқимли одатлардан биридир!

Янги йил белгилари

Кўйида турли мамлакатларнинг энг ноодатий Янги йил белгилари билан танишасиз: Кипр ороли аҳолиси қоронғулик янги йилда омад олиб келишига ишонигани

учун ярим тунда уйларида бир муддат чироқни ўчиришади.

Байрам арафасида кўплаб италияликлар эски нарсаларни деразадан улоқтиришади ва ўша пайтда улар қизил кийимда бўлишади.

Хитойликлар байрам билан бирга уйга келадиган фаронлиқ ва омадни тасодифан "кесиб кўймаслик" учун Янги йил арафасида қайчи, пичоқ ва бошқа ўткир нарсалардан фойдаланмайди.

Французлар гилдиракни бахтли янги йил рамзи деб билишади, шунинг учун улар кўпинча дўстлари ва оила аъзоларига совға сифатида гилдирак тақдим этади.

Янги йил арчаси

Янги йил учун арча безатиш кўплаб мамлакатларда одатий ҳолдир. Байрам рамзи сифатида нафақат арча, балки ҳар қандай игнабаргли дарахт ҳам хизмат қилиши мумкин. Ушбу аънананинг тарихи узоқ вақт олдин бошланган. Деярли барча халқлар доимо яшил ўсимликларни хурмат қилган.

Аваллига улар ўрмонларда ёки уйлар ёнида, уларни кесиб ташламасдан безатишган. Кейинчалик ўз уйларига дарахтлар кўйишни бошлашган, бу аънана бугунги кунга сақланиб қолган, аммо сунъий ўсимликлар тирик ўсимликлар ўрнини эгалламоқда. Арчани чироқлар, гулчамбарлар, қарағай конуслари, ширинликлар билан безатиш одатий ҳолдир.

Янги йил столи

Аънанага кўра, Янги йил дастурхони бой бўлиши керак, аммо қандай таомлар

тайёрлашни ҳар ким ўзи ҳал қилади.

Англияда

Рождество пудинги

Англиядаги деярли ҳар бир уйда ун, лимон қобиғи, олма, майиз, ёнғоқ ва зираворлардан десерт тайёрланади. У байрамдан бир ой олдин тайёрлана бошлайди! Ширинликни, айниқса, оиланинг ёш аъзолари севиб истеъмол қилади.

АҚШда тўлдирилган курка

Америка Қўшма Штатларида турли байрамлар учун курка пиширишни яхши кўришади ва Янги йил ҳам бундан мустасно эмас. Парранда гўштини тўлдириш мутлақо ҳар қандай бўлиши мумкин, ҳар бир оила уни ўз рецепти бўйича тайёрлайди.

Австрия ва

Венгрияда штрудель

Янги йил дастурхонида аънаваный десерт ўзининг фахрли ўрнини эгаллайди. Одатда уни дастурхонга музқаймоқ билан тортишади.

Японияда

«Моти» ширинликлари

Гурч хамиридан тайёрланган "нозик" ширинликлар нафақат Янги йил байрамида дастурхонга қўйилади, балки меҳмонга келган дўстлар, кўни-кўшниллар ва қариндошларга ҳам тарқатилади.

Ўзбекистонда

«оливье» ва мандарин

Янги йил дастурхони Ўзбекистонда ҳам тўкин, мазали ва калорияли таомларга бой бўлади. Аънаваный, ҳар Янги йилда дастурхонга қўйиладиган егуликлар эса "оливье" салати ва ёқимли ифorgia эга мандаринлардир.

Манбалар асосида тайёрланди.

От мучали ҳақида нималарни биласиз?

(1918, 1930, 1942, 1954, 1966, 1978, 1990, 2002, 2014, 2026)

1954
1966
1978
1990
2002
2014
2026



Бу мучалда туғилганлар дондор, мўтабар, хушфеъл ва пулни тежаб-тергаб ишлатувчи кишилардир. Улар яхши кийинишади, оммавий йиғинларни ёқтиришади. Кўп гапирсалар ҳам акли ва сезгирдирлар. Кўпинча яхши натижаларга эришувчи ажойиб спортчи бўлиб етишади. Ҳамма соҳада ишлари юришади, кўзга ташланмай туришади, бошқалар фикрини тез уқиб олишади. Табиатан мустақил феъл-атворга эга бўлиб, маслаҳатларга кулоқ солишмайди. Ўзларига ишонмишади, қадрларини билишади.

От мучалига мансуб инсонлар – жуда машҳур шахслар бўлиб, диққатли, қувноқ табиатли, акли ва молиявий саводхонлиги етарли. Улар кизикқонлик ва жозибадорлик тимсоли бўлиб, мафтункор, бошқаларга нисбатан эътиборли, ёрдамга ошиқувчи, дўстона хислатлари билан ажралиб турадилар. Бирок баъзан уларда эгоцентризм ва қайсарлик жиҳатлари ҳам мавжуд бўлади.

Бу мучалга мансуб инсонлар жонли характерга эга. Улар эътибор марказида бўлишни, бахслашишни ва турли мунозараларда катнашишни жуда яхши кўрадилар. Нуқти жозибали, акли ва истеъдодли бўлади. Инсонларни От мучали вакиллариди ҳалоллик, тўғрисиини гапирши, яхши шаклланган, ҳазил туйғуси ўзига жалб қилади. Улар кизикқон ва саҳий инсонлар,

лекин қалбан тушқун, пессимист бўлганликлари учун кўпинча ўзларини қўллаб-қувватловчи инсонларга эҳтиёж сезадилар. Ташқи кўринишдан ўзларига ишонгандай кўринсаларда, ичидан ўзларига ишонмай таянч қидириб, бошқалардан ёрдам кутадилар. Бир марта Отнинг газабига дучор бўлганлар улар билан эҳтиёт бўлиб муносабатда бўлишади. Уларнинг жўшқин, қизгин табиати сабабли шундай ишларни қилиб, шундай гапларни гапириб қўйишадики, оқибатда афсусланиб, кечирим сўрашга тўғри келади.

Отлар фаол ва сабрсиз бўладилар. Мақсад сари тез ҳаракат қилишади, аммо шу билан бирга йўналишни тез-тез ўзгартириб туришади. Уларнинг қалбида шахсий ҳаётда ҳам, касбий соҳада ҳам омадсизликка учрашдан қўрқув ҳисси яшириниб ётади. Ҳатто энг кичик муаммо ва ташвишларни ҳам катта фожиа сифатида қабул қилишади.

От мучалида туғилган инсонлар яхши жисмоний тана тузилишига эга бўлиб, зўр дид билан кийинишади. Улар мактавларни яхши кўришади, чунки ўзларига ўта ишонган инсондек кўринсалар ҳам, улар ўз фазилатларини тасдиқлаб туришларига муҳтож. Отлар бошқаларни мақташни ҳам усталик билан удралашади, инсонлар жамиятида бўлишни жуда яхши кўришади. Шунинг учун ҳам кон-

церларга, театрларга, спорт мусобақаларига боришни ёқтиришади. Уларнинг кўпчилиги спорт билан шуғулланишади. Ўта тезкор ва қатъиятли ақлга эга бўлиб, маълумотларни жуда тез ўзлаштириш ва эслаб қолиш қобилияти мавжуд. Қизиқишлари жуда хилма-хил бўлганлиги сабабли бир вақтнинг ўзида бир нечта лойиҳаларда иштирок этишади. Шунинг учун, ҳатто энг чидамли Отларнинг ҳам барча ишларга кучи ва вақти етмаслиги ажабланарли эмас.

Отларнинг қони қайноқ, эҳтиросли, ҳис-туйғулар уммонига шўнғишга тайёр туришади. Улар ўзларининг заиф томонларини яшириш ёки назорат қилиш ҳақида ўйламайдилар, агар От севиб қолса, у ўз севилисидан бошқа ҳеч нарса унинг кўзига кўринмайди. Ўз жуфтига, ҳамқорига нисбатан эътиборли ва гамхўр муносабатда бўлишларига қарамай, бу мучалда туғилганлар маълум даражада мустақил бўлиб қолишга интиладилар.

Отлар ўзларининг моддий таъминоти ҳақида кўп қайғурдилар, лекин бу борада кўп безовта бўлишларига тўғри келмайди. Чунки бу мучал вакиллари молиявий масалаларни муваффақиятли бошқарадилар, одатда пуллари етарли бўлади. Улар янги юртларда бўлишни, саёҳат қилишни ва турли ҳудудларни кезиб юришни ёқтирадилар. Отлар учун ташқи кўриниш катта аҳамиятга эга.

Бу мучал вакилларнинг ёқимли ва қувноқ табиати, атрофдаги одамлар орасидаги машҳурлиги уларнинг меҳнатсеварлиги ва мақсад йўлидаги қатъияти билан уйғунлашиб кетган. Яққол сезилиб турадиган лидерлик қобилияти сабабли улар эркин фаолият қилиш, турли одамлар билан фаол мулоқот қилиш мумкин бўлган соҳаларда катта муваффақиятларга эришадилар.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.



«Besh muhim tashabbus» doirasida

Aql charxi musobaqasi

Muzrabot tumanidagi Surxondaryo viloyati ilg'or kasbiy mahorat texnikumida 5 ta muhim tashabbus doirasida shaxmat va mahoratlarini sinovdan o'tkazildi. Musobaqa

jarayonlari haqqoniylik, shaffoflik va do'stona raqobat ruhida tashkil etilib, barcha ishtirokchilar o'z bilim va mahoratlarini sinovdan o'tkazishdi. O'quv maskanining 39-25-guruh o'quvchisi

Mavlonbek Sherboyev g'olib deb topildi. Shuningdek, aql charxi musobaqasida 45-25-guruh o'quvchisi Abror Qudratov 2-o'rinni yegallagan bo'lsa, 39-25-guruh o'quvchisi Umarbek Amanov 3-o'rinni o'z foydasiga naqd qildi.

Bellashuvlar yoshlarning mantiqiy fikrlash, sabr-toqat, iroda va diqqatni jamlash qobiliyatlarini rivojlantirish, ularning tafakkur doirasini kengaytirish hamda sportga bo'lgan qiziqishlarini yanada oshirishga xizmat qildi. Shaxmat va shashka musobaqalarida faol qatnashgan o'quvchilar bir-birlari bilan tajriba almashib, do'stlikni mustahkamlash, hamjihatlikni kuchaytirish imkoniyatiga ega bo'ldilar.

Shaxbox XURRAMOV, texnikum o'qituvchisi.



Bolalar ijodidan KUCHUKCHA (Mitti hikoya)

Oltin kuz pallasi edi. Biz yaqin dugonam bilan o'yinash uchun o'yin maydonchasiga bordik. Shu payt sharros yomg'ir yog'a boshladi. Ikkalimiz endi uyga qaytmog'chi edik, daraxt tagida dag-dag titrayotgan jajjigina, yoqimtoy va chiroyli kuchukchani ko'rib qoldik. Dugonam ikkimiz rosa bahslashdik, keyin bir qarorga keldik.

Kuchukchani uyimizga olib keldik. Unga mos keladigan ism topishga harakat qildik. Dugonam Qoravoy deb, men esa, Munchoqoy deb ism qo'ydik. Uni chaqirdik. Men qo'ygan ism yoqqan shekilli, yonimga chopib keldi. Unga bir kosa sut berib, o'zimiz

boshqa xonaga darsimizni qilish uchun kirdik. Uyga vazifalarni tayyorlab bo'lganimizdan so'ng kuchukchani yoniga, undan xabar olish uchun bordik. Kosasi bo'm-bo'sh ekan. Men uni silab-siyपालab qo'ydim.

U oradan ikki kun o'tgach, zerika boshlaganimi his qildim. Men unga kichkina o'yinchoq tikib berdim. Mitti do'stimiz o'yinchoqchani o'ynab, har doim o'zi bilan olib yurardi. U bilan dugonam ham har kuni o'ynaydi. Vaqtimizni kuchukcha bilan birgalikda maroqli o'yinlar o'ynab zerikmaymiz.

Oradan vaqt o'tdi. Hozir u biroz katta bo'ldi. Hovlimizda qo'riqchilik qiladi. Uyimizdagi qadrli do'stimiz ham shu bo'ladi.

Gulshoda O'TAMURODOVA, 36-maktabning 5-sinf o'quvchisi.

Dadajonim, ayajonim!

Jannatim – ayajonim, Davlatim – dadajonim. Sizlar tengsiz boyligim, Baxtim butun borlig'im.

Boqib katta qildingiz, Mening qadrdonlarim. Doim omon bo'lingiz, Mening mehribonlarim.

Fotima SHOZAMONOVA, 36-maktabning 5-sinf o'quvchisi.

Samadov Yuldash Badalovichga 1986-yil 16-avgustda berilgan "B, C" toifali ABQ № 521112 raqamli haydovchilik guvohnomasi yo'qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

Suyunov Ixtiyor Rizoqul o'g'liga 2020-yil 11-yanvarda berilgan "B, C" toifali AF № 1361394 raqamli haydovchilik guvohnomasi yo'qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

Til bilgan – el biladi

Maktabda ochiq dars mashg'uloti

Maktabimizning 5-sinf o'quvchilari uchun ingliz tilidan tajribali ustoz Mahliyo Shodimaxmatova tomonidan "Past Simple" mavzusida ochiq dars o'tkazildi. Dars interaktiv va qiziqarli tarzda tashkil etildi.

Dars davomida o'quvchilar o'tgan zamondagi fe'llarni ishlatib, qisqa va oddiy jumlar tuzdilar. Juftlikda va yakka tartibda mashqlar bajarilib, o'quvchilar o'z hayotlaridagi kichik voqealarni ingliz tilida aytib berishga harakat qildilar.

O'qituvchi Mahliyo Shodimaxmatova "Past Simple" zamonining qo'llanilishi va tuzilishini soddami sollar orqali tushuntirib,



o'quvchilarning faolligini oshirdi. Ayrim o'quvchilar sinf oldida chiqish qilib, o'z bilimlarini namoyish etdilar.

Mazkur ochiq dars o'quvchilarda ingliz tiliga

bo'lgan qiziqishni oshirib, mavzuni samarali o'zlashtirishga xizmat qildi.

A.OMONTURDIYEV, 48-maktab direktorining o'quv tarbiya ishlari bo'yicha o'rinbosari.

MUZRABOT

MUASSISLAR:
Xalq deputatlari
Muzrabot tumani Kengashi
va tuman hokimligi

Muharrir
Abdusalom YO'LDOSHEV

Tahririyat manzili:
191300. Muzrabot tumani, Xalqobod qo'rg'oni,
Amir Temur ko'chasi, 38-uy.
Telefon: (+998) 99 671 57 58.

Gazeta 2010-yil 9-aprelda Surxondaryo viloyati Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-010 raqami bilan qayta ro'yxatga olingan. ISSN 2181-7006.

Buyurtma G-2230 nusxada bosildi. Qog'oz bichimi A-2. Hajmi 2 bosma taboq. Bahosi kelishilgan narxda. Nashr indeksi-473.

Gazeta tahririyat kompyuterida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi B.Shoyardonov. Navbatchi muharrir A.Yo'ldoshev. Navbatchi O.Hakimova.

Gazeta «Surxon tongi» va «Zarya Surxana» gazetalarini tahririyati bosmaxonasida chop etildi. Korxonada manzili: 190100, Termiz shahri, Shukrona ko'chasi, 19-A uy. Topshirish vaqti – 14-00. Topshirildi – 14-00